







# СПОРТ БИЛАН ОБОД ТУРМУШ САРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТИЗИМИДАГИ ҚОРҲОНАЛАР ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДА АНА ШУНДАЙ ШИОР ОСТИДА ОИЛАВИЙ СПОРТ МУСОБАҚАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

**Таъкидлаш жоизки, касабга уюшмалари ташкилотлари томонидан қорхона ва муассасаларда меҳнатқилар ҳамда уларнинг оила аъзолари бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкиллаштириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб воғага етишишига муносиб ҳисса қўшиши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини ва турли спорт ўйинларини кенг тарғиб қилиш ҳамда спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатликларини тиклашга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишга доимий равишда катта эътибор қаратиб келинмоқда.**

Бўстонлиқ туманининг сўлим гўшаси — Чотқол сихатгоҳида Ўзбекистон Агрорасаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси то-

монидан ўтказилган тадбир ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Ушбу спорт мусобақасида 130 га яқин қатнашчи фаол иштирок



эти. Дастлаб, мусобақанинг ҳудудий босқичлари ўтказилиб, уларда ғолиб бўлганлар, яъни ҳар бир ҳудуддан иккитадан оила мамлакат босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

Шу тариқа, мусобақанинг мамлакат босқичида 28 оила ғолиблик учун кураш олиб боришди. Яқини натижаларга кўра, биринчи ўрин Наманган вилояти вакиллари Эркиновлар оиласига, иккинчи ўрин Жиззах вилоятидан Мусурмоновлар оиласига, учинчи ўрин эса Фарғонадан келган Ортиқбоевлар оиласига насиб этди.

— Тоғ ёнбағирларида жойлашган сихатгоҳда икки кун давом этган мусобақада нафақат

ғолиблик учун кураш олиб бордик, балки янги дўстлар орттириб, оила аъзоларимиз билан тоза ҳаводан баҳра олиб, мириқиб ҳордиқ чикардик, — дейди жиззахлик Баҳром Мусурмонов. — Очиғи, мусобақанинг бунчалик шиддатли кечиниши кутма-лик. Лекин иштиёқимиз баланд эди. Бу сафар иккинчи ўрин билан кифояландик. Кейинги сафар тайёргарликни пухта қилиб, албатта, биринчи бўлишга ҳаракат қиламиз. Умуман, тадбирдан олам-олам таассуротлар, яхши кайфият билан уйга қайтганимиз. Бундай тадбирларни доимий равишда ташкиллаштириб, биз каби ишчи-хиз-

матчиларга фамхўрлик қилаётган идора ва ташкилотлар вақилларига катта раҳмат.

Дарҳақиқат, “Яхши дам — меҳнатга ҳамдам”, дейишади. Мазкур мусобақанинг ташкил этилиши ҳам келгусида иштирокчиларнинг самарали меҳнат қилишига хизмат қилади, албатта.

Тадбирда Ўзбекистон Агрорасаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Марказий Кенгаши раиси М.Анорбоев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, меҳнат шaroитларини янада яхшилашга доимий равишда катта эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлашди. Агрорасаноат мажмуи ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган оммавий мусобақалар, спартакиадалар, саяхатлар ва фестиваллар, турли спорт-соғломлаштириш ва интеллектуал ўйинлар ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Тадбир сўнгига бarchа иштирокчилар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



## ЭНГ КУЧЛИ КУРАШЧИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Мусобақада эркин кураш бўйича Тошкент вилояти жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Ушбу жамоа вакиллари Нодир Сафаров, Фуқрат Фармонов, Иброҳим Нуриддиновлар барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, пойтахтлик Жамшид Кенжаев, бухоролик Субҳон Тошпўлатов ва қорақалпоғистонлик Икром Ержанов ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

Эркин кураш бўйича энг қизгин баҳс 120 килограмм вазн тоифасида финалга чиққан пойтахтлик Аббор Азимов ва навоийлик Арслон Гадов ўртасида кузатилиди. Унда А.Азимов тажрибали рақибини енгиб, Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Юнон-рум кураши баҳсларида Бухоро вилояти полвонлари Феруз Тўхтаев, Аҳмад Маҳмудов ва Рустам Султонов биринчи ўринни эгаллади.

Халқро тажрибага эга юнон-рум курашчиларидан пойтахтлик Бесики Солдадзе, қашқадарёлик Жаҳонгир Турдиев, самарқандлик Мўмин Абдуллаев ва Нурбек Холмухаммедов ҳам ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди.

## ШАХМАТ

### БОБУР САТТОРОВ – ТУРНИР ҒОЛИБИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича халқро рейтинг очколарини берувчи “Олтин куз – 2013” турнири якунланди.



Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада элли нафарга яқин шахматчи дونا сурди. Швейцарча усулда тўққиз турдан иборат мусобақани мағлубиятсиз якунлаган Бобур Сатторов биринчи ўринни эгаллади. Истеъодли шахматчи тўққиз учрашувдан олти тасида галаба қозонди ва уч маротаба дуранг ўйнади.

Сўнги турғача ғолибликка давъогарлик қилган “Умид ниҳоллари – 2012” совриндори Нодирбек Ёқубоев ҳал қилувчи баҳсда ФИДЕ устаси Баҳодир Холмризаевга ютқазиб қўйди. Мазкур баҳсдан сўнг Баҳодир иккинчи ўринга кўтарилган бўлса, Нодирбек турнирчи ўрин билан кифояланди.

Учинчи ўрин тўққизинчи турда Ирина Геворкянни мағлубиятга учратган Улугбек Тиллаевага насиб этди.

ФИДЕ устаси Ирина Геворкян қизлар ўртасида энг кўп – 5,5 очко жамғарди. Шунингдек, мамлакатимиз кўп қарра чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева ва “Умид ниҳоллари – 2012” ғолиби Моҳишур Қахрамонова ҳам қизлар ўртасида кучли учлиқдан жой олди.

## ТЕННИС

### ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚРО МУСОБАҚАЛАР ҒОЛИБИ

Туркияда бўлиб ўтган Халқро теннис федерацияси (ITF) таснифдоғи халқро турнирда мамлакатимизнинг истеъодли ёш теннисчиси Н.Абдураимов бош совринни қўлга киритди.

Мусобақанинг жуфтлик баҳслари ҳамюртимиз ҳамда италиялик Мария-Елена Камериннинг галабаси билан якунланди. Мазкур жуфтлик саралаш учрашувларида руминиялик Лаура-Иоана Адре ва россиялик Полина Лейкина, лихтенштейнлик Стефание Вогт ва чехиялик Рената Воракова, туркиялик Башак Эрайдин ва Мелис Сезер, словениялик Тадея Мажерич ва руминиялик Андреа Митунти орта қолдириб, мусобақа ғолиби бўлди. Бу ҳамюртимизнинг ушбу мавсумдаги иккинчи совринидир. Н.Абдураимов 2013 йил сентябрь ойида Фарғонада ўтказилган халқро турнирнинг яққил баҳсларида ҳам зафар кўнган эди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа истеъодли ёш теннисчилари ҳам Халқро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўтказилган халқро турнирларда бош совринларни қўлга киритишмоқда.

Қозғистонда ўсирилар ўртасидаги халқро турнирнинг яққил ўйинлари истеъодли ёш теннисчиси Жўрабек Каримов галабаси билан якунланди.

Мусобақада биринчи рақамда сараланган ҳамюртимиз турнир давомида мезбон теннисчилар – Бейбет Жукаев, Павел Петров, Одил Каликабаров, Жулсонун Чамбутаев, польшалик Михал Дембек ва грузиялик Шота Мепаридзе ни мағлуб этди.

Халқро мусобақаларда 2011 йилдан буюн иштирок этиб келаётган 15 ёшли теннисчимиз бунгача Малайзия, Хиндистон, Қозғистонда ўтказилган халқро турнирларда ҳам бош совринни қўлга киритган эди.

А.ИСМАТУЛЛАЕВ

“Ўзқишлоққўжаликмаслизинг” акциядорлик лизинг компанияси жамоаси компаниянинг масъул ходими Махаммадjon Абдуманнонов акаси Мўйдинжон АБДУМАННОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Тоғаяк нима?

— От ҳам кучли, ҳам ноқим жонивор, — дейди Мустафо Эгамкулов, — жониворлардан энг кучлиси йилқи ҳисобланади. От гўё ўткир пичоқнинг дамидай. Пичоқни эҳтиёткорлик билан ишлашмасангиз, тез ишдан чиқиб қолади. От ҳам худди шундай.



Мустафо Эгамкулов бир қарчилигидан от минган. Пойгада катнашган, қўпқари чопган, синчилик қилган. Тўлпарлар изидан юришни хуш кўради.

— Отнинг қурағида тоғаяк бўлади, — дейди у. — Бу жонивор танасидаги муҳим аъзолардан бири. Агар тоғаяк эзилса ёки буқланса, бирор жойи қотса от чўлоқ бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, тоғаяк мускулларининг тўла ишлаши ва танани қон билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Отга оғир юк ортлса, тоғаяк эзилади, оқибатда, отнинг юриши секинлашади.

— Қирчангига, — дея сўзини давом эттирди суҳбатдошимиз, — беш ёшгача оғир вазни одам минмаган маъкул, мабодо миншига ҳаваси кучли бўлса, узоқ йўл босмасин. Чунки от қураги танасининг мувозанатини сақлайди.

Отнинг тоғаягини тойлик пайтидан авайлаш лозим. Инчунан, от 25-30 йил умр кўради.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ

### АГРОТЕХНИКА

Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025

- Бог ва ферма учун тракторлар
- Гусеницали тракторлар
- Прессподборщик
- Ўзапола урадиган комбайн
- Ўт урадиган комбайн
- Макка урадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Бугдой экадиган саялка
- Пахта экадиган саялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб сугорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Траншеекопатель, ямобур

Сайт: www.sninvest.uz  
E-mail: info@sninvest.uz

### МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТБИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРҲОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2013 йил 10 октябрдаги № 122 (8203) сонидан Андижон вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги Андижон тумани “Хортум” ҚФЙ “Жохон-обод-Ўрикзор” МФЙдаги сув тармоғи қурилиши объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли ўзгартириш қилинганлиги сабабли объект бошланғич нархи (КҚС билан) — 550 900 350 сўм, (КҚСсиз) — 459 083 625 сўм деб ўқилсин.

Шунингдек, ушбу газетанинг 2013 йил 22 октябрдаги № 127(8208) сонидан Андижон вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги Андижон шаҳридаги “А.Навоий” номидаги маданият ва истироҳот боғи амфитеатри бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш объектининг бошланғич нархи (КҚС билан) — 2 475 827 420 сўм, (КҚСсиз) — 2 063 189 517 сўмга ўзгарганлигини маълум қилади.

“MAXI FLOWER GROUP” МҲК (ИНН 301710531) устав фонди 45 328 897 сўмдан 5 650 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Манзил: Тошкент ш. М.Улуғбек т. Коржон тор кўч. 37-уй.

Тошкент ш. Юнонбод т. ҳокимлиги ҳузурдаги ТСРҮИ томонидан (08.10.2009 й. р. реестр № 005095-10) рўйхатга олинган “MARKETING EXCLUSIVE BUSINESS” МҲЖнинг устав жамғармаси 11 000 000 сўмдан 3 652 000 сўмга камайтирилганини ва қоржик мақлиги Юнонбод т. Болдомор йўли кўч. 1 А уйдан Фарғона вил. Қўқон ш. Ўрда таги 1-тор кўча 3-уйга қурилишини маълум қилади. тел.: 314-51-77.

ООО “SPIRIT MOUNTAIN” (ИНН 301926927) зарегирированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шахантахорского р-на (№ 00570-09, 04.05.2011 г.) расположенное по адресу: ул. Б.Закиров, д. 19, ликвидировано (протокол собрания уредителей № 1, 11.11.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 308-64-64.

ИП ООО “MERCATOR-TRANS” сообщает об уменьшении Уставного фонда с 716 855,86 долларов США до 708 145,47 долларов США. Тел.: +99890 370-13-36.

### МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар қорхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик ценной ЗП-Ф
- Асфальтотез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам “Беларусь”
- Шины различных моделей

максулот сертификатланган  
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

### УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ “KAPSANTEX”

(702503, Ташкентская область, г.Ангрен, ул. Фархадская дом 1) намерен приобрести комплект оборудования мукомольного завода мощностью 150 тонн зерна в сутки.

Предложения по поставке оборудования мукомольного завода мощностью 150 тонн зерна в сутки с приложением подтверждающих документов о возможности поставки требуемого оборудования должны быть представлены до 25 ноября 2013 года по адресу: 702503, Ташкентская область, г. Ангрен, ул. Фархадская дом 1 по будничным дням с 9-00 по 17-00 часов.

Основными условиями заключения договора на поставку оборудования мукомольного завода мощность — 150 тонн зерна в сутки является наименьшая стоимость, дата производства (не ниже 2012 года), страна производства (приоритет европейское производство), наличие оборудования на территории Республики Узбекистан.

Дополнительную информацию можно получить по адресу: 702503, Ташкентская обл. г. Ангрен, ул. Фархадская, д. 1 или по тел.: (+99893) 505-46-06.

### Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.

Гарантия Лизинг

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

### Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь

Тел.: 99895 170-32-52

### Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агрорасаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоқда дaлдор вазирлик ва идорaлар.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Улуғбек УЗОКОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдижабб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЙМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-26-50, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-23-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Н.ТИЛЛАЕВ  
Мусаҳҳис: Мусаҳҳис:  
О.ОЧИЛОВ  
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА